Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Pop paxta tozalash" AJ
Объявление
"POP PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ

“Поп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти балансидаги бино-иншоотларни ва бошқа мол-мулкларни ҳамда жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиниши учун 1 дона акцияни бозор қийматини аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 мартдаги 230-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида **“Поп пахта тозалаш” АЖ ҳамда жамиятга қарашли “Ғурумсарой”, “Найман”, пахта қабул қилиш масканлари ва «Қорақалпоқ уруғлик чигит сақлаш омборларининг бино-иншоотларини ва бошқа мол-мулкларни ҳамда жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиниши учун 1 дона акцияни бозор қийматини аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш** учун баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.

“**Поп пахта тозалаш**” **АЖ устав фондида давлат улуши мавжуд эмас.**

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

- Ташкилот устави нусхаси;

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

- Баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;

- Баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат хақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;

- Лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат таклифларини 2020 йил 06 июль соат 16:00га қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

Ўзбекистон Республикаси, Индекс:160519, Наманган вилояти, Поп тумани, Хўжаобод МФЙ, Хамкорлик кўча.

Маълумот учун телефонлар: (0369) 434-56-12, (+99897) 621-22-85.

Эълон жойлаштирилган сана: 2020 йил 30 июнь.

30.06.2020

Источник: https://openinfo.uz/announce/9118/
Дата: 28.03.2024